# Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2 йил мобайнида амалга оширилган ишлар

## ***Ўқув-услубий ишлар бўйича***

Бугунги кунда таълим йўналишлари сони **27 та**га етди. 2025/2026 ўқув йилида **янги**дан **5 та** таълим йўналишлари қабули режалаштирилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг ўртача ўқув юкламаси **770** соатдан **740** соатга туширилди.

Тил билиш сертификатига (**С1** даража) эга профессор-ўқитувчилар улуши **403** нафар (**60,8%)** дан **626** нафар (**95,4%)** га ошди **(+34,6%).**

**2025 йилда С1** даражадаги **хорижий тил** ўқитувчиларининг улуши **97%**га, **В2** даражадаги **касбий фанлар** (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг улуши **52 %** га етказилади.

Тил билиш сертификатига (**В2** ёки **С1** даража) эга **битирувчи курс** талаблар улуши **30,1%** дан **53%** га ошди. 2025 йилда бу кўрсаткич **75%га** етказилади.

**44 та дарслик**, **83 та ўқув қўлланма** жами **127 та ўқув адабиётлари** яратилди.

Амалда ўқитилаётган **17 та** тилга қўшимча **2-чет тили** сифати **3 та** хорижий тил қўшилиши эвазига университетда жами **20 та хорижий тил** ўқитилиши таъминланди. Ушбу кўрсаткич 2025 йилда жами **25 та** етказилади.

**ТОП-300** таликка кирган хорижий ОТМлар тажрибалари асосида ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилди.

2025 йилда **30 га** яқин **ТОП-300** таликка кирган ОТМларнинг таълим дастурлари асосида **юқори курс ўқув дастурлари** такомиллаштирилади.

“**Ижтимоий фанлар**” кафедраси таркибидан “**Сиёсий фанлар**” кафедраси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 14-февралдаги “Олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига кўмаклашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-61-сонли** қарори ижросини таъминлаш мақсадида университетда Ўзмиллийбанк АЖ билан ҳамкорликда **“Келажакка қадам”** маркази ташкил этилди.

“**Регистратор офис**” фаолияти ташкил этилди.

Имтиҳон ва синовларни ўтказишга мўлжалланган **150** кишилик компютер хонаси **(Hub)** ишга туширилди.

Фанлардан видео контентлар тайёрлаш мақсадида **“Edu smart”** студияси ишга туширилди. 2025 йилда **25 та** фан бўйича замонавий видео дарслар яратилади ва **Youtube платформаси**га жойлаштириб борилади. Тиллар кесимида **30 дан** ортиқ видео контенетлар **Youtube платформаси**га жойлаштирилди.

## ***Илмий ва инновация ишлари бўйича***

Университетда жами **1041 нафар** профессор-ўқитувчилар фаолият юритади, шулардан, асосий штатда **949 нафар,**

илмий салоҳият **19,9 %**дан **31.1 %га** оширилди, шундан илмий даражалилар **324 нафар** (**81 нафар DSc, 243 нафар PhD**), илмий унвонлилар **174 нафар 39нафар профессор, 135 нафар доцент**)ни ташкил этади.

Университетда **20 та** хорижий тил ўқитилиб, жами **23 629 нафар** талабалар таҳсил олади.

***Маълумот учун:*** *Бугунги кунда **20 та** тил, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, итальян, рус, хитой, япон, корейс, турк, араб, **голланд**, **форс**, **индонез**, **грек**, **малай**, **ҳинд**, **поляк**, **фин** ва **урду** тиллари **асосий ва иккинчи чет тил сифатида** ўқитилади.*

Магистратура босқичида **19 та** мутахассислик бўйича жами **715 нафар** талаба таҳсил олади.

Хорижий талабалар **150 нафар,** шундан, бакалавр **130 нафар,** магистр **20 нафар.**

Олий таълимдан кейинги таълимда докторантлар сони **157 нафар,** мустақил изланувчилар сони **354 нафар**ни ташкил этади.

## ***Маънавий ва маърифий йўналишда амалга оширилган ишлар***

*Мусиқа, рассомчилик, адабиёт, театр* **80 та тадбир** ва танловлар, **22000 нафар** қамров.

университетда жами **15 турдан** ортиқ спорт тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга **6000 нафардан** ортиқ профессор-ўқитувчи ва талабалар жалб қилинган.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи тадбирлар **30 та**, **21000 нафар** қамров.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлик **40 та**, **20000 нафар** қамров.

Талаба ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларда китобхонликни ошириш **50 та**, **21000 нафар** қамров.

ТТЖ да талаба-қизлар учун ташкил этилган касбга ўргатувчи тўгараклар **40 та**, **1600 нафар** қамров.

2025 йилда Иқтидорли талабалар қобилиятини янада рўёбга чиқариш ҳамда клублар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида **3 нафар** “**Бадиий раҳбар**”ни шартнома асосида жалб этиш.

**800** ўринга мўлжалланган ёзги “**Амфитеатр**” барпо этиш.

Талаба-ёшларни Ватанпарварлик ва юртга дахлдорлик руҳида тарбиялаш орқали ўз Ватанига садоқат билан ҳизмат қилиш ҳиссини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги “**Харбий кафедра**” билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, ўқишни ташкил этиш.

## ***Халқаро хамкорлик масалалари бўйича***

Университет 2024 йил якуни билан **UI GreenMetrics халқаро рейтингининг ТОП-500 талик рўйхатига кирди. THE ва QS рейтинг** агентликлари платформаларига ОТМ маълумотлари киритилди ва репортер сифатида қабул қилинди;

Университет ҳузурида “**Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тармоқ маркази**” ташкил этилди ва **“Accreditation and Rating International Agency”** ташкилоти томонидан **Халқаро аккредитациядан** ўтказилди;

**Индонезия Аккредитация Кенгаши (ACE)** билан ҳамкорликда “**Хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили)”** бакалавриат таълим йўналишини ташқи институционал **аккредитациядан** ўтказиш амалга оширилмоқда.

2025 йил “**Филология ва тилларни ўқитиш**” ва “**Таржима назарияси ва амалиёти”** бакалавриат таълим йўналишларини **Foundation for International Business Administration Accreditation (FIBAA)** халқаро аккредитация ташкилоти томонидан ўтказилиши режалаштирилган.

**Хорижий профессор-ўқитувчилар** (**native speaker**) улуши **23 нафардан 73 нафарга етказилди**. Бугунги кунда **55 нафари** дарс бермоқда;

**Хорижий талабалар** сони **75 нафардан 200 нафарга етказилди**.

Халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги **меморандум ва шартномалар** сони 2023 йил сентябрда **103 тадан** 2024 йил декабр ҳолатига **190 та** **(+ 87 та) га етди**.

Халқаро лойиҳалар сонини **20 тага,** хорижий олийгоҳларга юбориладиган профессор-ўқитувчиларни **160 нафарга,** талабаларни **200 нафарга,** чет эллик профессор-ўқитувчилар улушини **60 нафарга**, хорижий талабалар сонини **250 нафарга,** халқаро аккредитациядан ўтказиладиган таълим дастурлари сонини **4 тага** етказиш;

2025 йил январь ойида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги **(KOICA)**нинг **1 116 000 АҚШ доллари** миқдорида 3 йиллик гранти қўлга киритилди. Унга кўра Кореядан **70 нафар** кўнгилли таълим жараёнига жалб этилади, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари (**300 минг АҚШ доллари**) амалга оширилади, **корейс тили, миллий мусиқа ва рақс** ҳамда **таэквондо** тўгараклари иши йўлга қўйилади;

**ТОП 500** талика кирувчи Санкт-Петербург давлат университети, шунингдек, Москва давлат лингвистика университети билан, Хитойнинг Далян ва Ляодинь, Малайзиянинг фан университети ва Жанубий Кореянинг Кеймюнг университетлари билан бакалавр ёки магистратура **қўшма таълим дастурларини** йўлга қўйиш

***Моддий техник базани ривожлантиришда***

- **2700 ўринли** ўқув биносини ишга тушириш ҳамда қўшимча аудиториялар ташкил этиш ҳисобига ўқув ўринлари **6 800 тадан 10 000 тага** оширилиб, қўшимча **3 200 ўрин** яратилди;

- икки ярусли кроватлар эвазига ётоқхонадаги ўринлар сони **2 575 тадан 3 375 тага** етказилиб, қўшимча **800 ўрин** яратилди;

- **1 ва 2** ётоқхоналар учун энерготежамкор **локал қозонхона ўрнатилди**;

- **72 дона** Моноблок, **48 дона** Ноутбук, **123 дона** Смарт телевизор, **2 дона** Инфокиоск, **1 дона** Светодиодли экран харид қилинди;

- **3 та** ҳудудда **WORKOUT спорт майдончалари** ташкил этилди.